МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 6 март. Чоршанба №19 (879) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳамда аҳоли ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг олтинчи бўлимида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар-жойларининг қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

Давлат дастурини бажариш доирасида маҳаллалар ва қишлоқларни обод қилиш бўйича кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади. Шу мақсадда «Замонавий маҳалла» меъморчилик-режалаштириш намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилади, мавзе ва маҳаллалардаги йўллар ва кўчаларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, уларнинг ташқи ёритиш тизимларини қайта тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал таъмирлаш дастури тасдиқланди.

Намунавий лойиҳаларга мувофиқ якка тартибдаги ва кўп қаватли турар-жойлар, биноларнинг олд қисмини ва томларини таъмирлаш, маҳаллалар ҳудудидаги ирригация ҳамда дренаж тизимларини янгилаш кўзда тутилган. Кўчалар ва йўлаклар замонавий услубда таъмирланади, уларнинг ёритиш тармоқлари энергия тежовчи технологияларни қўллаш ҳисобидан яхшиланади. Аввал қурилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш режалаштирилган. Мини-футбол, баскетбол ва волейбол машғулотлари учун спорт майдончалари кўпаяди.

> [2]

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ОШКОРАЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ — УСТУВОР МЕЗОН

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда уни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя марказига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалиёт ва тажрибалар таҳлили аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашиб, умумий ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вояга етмаган фарзанди бор ҳамда кам таъминланган оилаларга аниқ манзилли ижтимоий ёрдам беришни кучайтириш, республика аҳолисининг реал даромадлари ва фаровонлиги барқарор ўсиши шароитларида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш чора-тадбирларини амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида 2012 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 350-сонли қарори қабул қилинди.

> [2]

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

КАСБИЙ МАЛАКА ВА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ

тизим фаолияти такомилида муҳим аҳамият касб этади

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режасида фонднинг бўлим ва бўлинмалари раислари, ўринбосарлари, масъул котиблари, бош мутахассислар ва бош бухгалтерлар малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ўтказиш белгиланган.

Куни кеча Фонд республика бошқаруви ҳамда «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази ҳамкорлигида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини такомиллаштириш, бухгалтерия ҳисоб-китобини юритишда муаммолар ечими» мавзусида икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат статистика қўмитаси масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар, Фонд мутасаддилари, Фонднинг вилоят бўлимлари бош бухгалтерлари, Тошкент шаҳар ва вилоятининг туман (шаҳар) бўлинмалари катта бухгалтерлари иштирок этдилар.

> [2]

БОЛАЛАР СПОРТИ

ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШТИРГАН МАЖМУА

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Намуна» болалар спорт мажмуасига кириб борганимизда, бизни машғулот олиб бораётган волейбол тўгараги мураббийи Асқаржон Умрқулов қарши олди. Мажмуада шуғулланаётган болаларнинг юз-кўзида спортга меҳр, иштиёқни кўриб ҳавасимиз келди.

Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган Олмазор тумани «Чимбой» маҳалласида жойлашган «Намуна» болалар спорт мажмуасидан спортга иштиёқманд болаларнинг қадами узилмайди. Бу ерда олиб борилаётган машғулотларга ота-оналар ҳам иштиёқманд.

Айни пайтда масканда 688 нафар бола спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётир. Уларнинг 216 нафари қизлар. Эски шаҳар марказида жойлашган мажмуага «Чимбой», «Қўштут», «Сағбон», «Ачаобод», «Эски шаҳар», «Бўстон», «Ғунча», «Қорасарой» ҳамда Алишер Навоий ва Ғани Аъзамов номидаги маҳаллалардаги болалар ҳам қамраб олинган. Маскан раҳбари Жаҳонгир Ғиёсовнинг таъкидлашича, ўқувчиларни тўгаракларга жалб этиш учун маҳалла ҳудудидаги мактабларда сўров ўтказилиб, қизиқиш билдирилган спорт турларининг ташкил этилгани болалар иштиёқини янада кучайтирган.

> [4]

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

ШАРОИТ ТЎКИС БЎЛСА, САМАРА МЎЛ БЎЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этиши таъкидланган.

Шунингдек, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ҳам 2012-2016 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиланган.

Дарҳақиқат, айни пайтда маҳалла зиммасига ўттиздан зиёд вазифа юклатилган экан, уларни тез ва сифатли бажариш йиғиннинг моддий-техник воситалар билан қанчалик таъминланганига боғлиқ.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 832 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритаётир. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви томонидан амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилиб, тавсиялар берилиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида 353 та фуқаролар йиғинининг биноси ўз балансига ўтказилди. 261 таси компьютер, 169 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. 76 та фуқаролар йиғини бинолари тўлиқ таъмирланди.

Лекин ҳануз бир қатор фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга етарли даражада эътибор қаратилмаётгани ташвишланарли ҳолдир.

> [2]

ЭКОЛОГИК МЕДИАТУР

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ — ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамда «Чинор» ЭНК ҳамкорлигида «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятида экологик медиатур ташкил этилди. Тадбирда ОАВ вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этишди.

«Максам-Чирчиқ» ОАЖ юртимизда минерал ўғитлар ҳамда бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналардан биридир. Бугунги кунда корхонада карбамид, аммиак селитраси, турли кислота ва кимёвий реагентлар, қисқаси, қирқ турдан ортиқ минерал ўғит ва кимёвий маҳсулотлар тайёрланмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида магний сульфати, калий сульфати ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона ўтган асрнинг ўрталарида ташкил этилиб, дастлаб кўмир ва кокс газификация қилинар, ушбу жараёнлар давомида атроф-муҳитга юзлаб тонна қурум ва бошқа ифлослантирувчи моддалар чиқариларди. Сўнгги йилларда корхона аммиак тайёрлаш учун технологик хомашё сифатида табиий газдан фойдаланишга ўтди. Бу эса, атроф-муҳит мусаффолигини сезиларли даражада яхшилади.

2009 йили реконструкция ва модернизация қилиниши натижасида аммиак ишлаб чиқариш агрегатининг ишлаб чиқариш қуввати ошди, атмосферага йиллик азот оксиди ташламаларини 8 тоннагача қисқартиришга эришилди. Тоза сувдан фойдаланиш ҳам камайиб, бу кўрсаткич йилига 770 минг метр кубни ташкил этмоқда. Шунингдек, оқова сувларни Чирчиқ дарёсига чиқариш ҳажми кескин қисқартирилди.

> [2]



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йиғинлар фаолиятини жонлаштиришда муҳим омил саналади. Шу боис, Андижон вилоятида бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йили «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бўлинмалари томонидан 110 тадан зиёд маҳалла фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси билан таъминланди.

Вилоятда ҳомийлар маблағи ва ҳашар йўли билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам олиб борилди. Бунинг натижасида, жумладан, Андижон шаҳрида 4 та, Хонобод шаҳрида 2 та, Қорасув шаҳрида 3 та, Булоқбоши туманида 7 та, Пахтаобод туманидан 5 та, Марҳамат туманида 2 та, Жалақудуқ туманида 1 та, Қўрғонтепа туманида 3 та, жами 27 та фуқаролар йиғини идораси реконструкция қилинди.

Балиқчи, Хўжаобод ва Марҳамат туманларида биттадан, Пахтаобод ва Қўрғонтепа туманида иккитадан, жами 7 та фуқаролар йиғини учун янги бино қуриб берилди.

Марҳамат туманидаги Увайсий номли ҳамда «Ўқчи» маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Бу ишларга фонд тузилмалари, ҳомийлар билан бирга хусусий тадбиркорлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Чунончи, Олтинкўл туманидаги «Ўрта» маҳалла фуқаролар йиғинига хусусий тадбиркор Э.Қосимовнинг 15 млн. сўмдан зиёд маблағи ҳисобидан янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди.

Жалақудуқ туманидаги «Бойкечи», Марҳамат туманидаги «Ғар-ғар» маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам ҳомийларнинг 25 млн. маблағи эвазига янги бино қуриб берилди.

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Икромиддин ВАЛИЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бошқаруви раиси.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

УЧ КУНЛИК ТЎЙ УЧ СОАТДА ЎТДИ-КЕТДИ...

Бугун маҳаллада тўй бор. Эшназар ака иккинчи ўғлини уйлантиряпти. Обрўли инсонлардан бўлгани боис айримлар: «Ҳамма икки кун тўй берса, Эшназар ака уч кун тўй бериши тайин. Ошна-оғайни, таниш-билиши кўп-да», дея сафарини қолдирди, бошқалар ишларини унинг тўйига қараб режалаштирди. «Элчилик-да, тўйнинг бошида турмасак, ака-укачилик қаерда қолади», дейишди.

Аммо тўй улар кутганидек бўлмади. Эшназар аканинг турмуш ўртоғи Зулхумор опа маҳалла фаолларидан бўлгани учунми, «Ўзим намуна бўлай», деди. Уч кунлик тўй уч соатда ўтса-кетса, денг. Одатда, тўйдан олдин маслаҳат оши, куёв оши, сарпо кийдириш маросими ўтказиларди. Ундан сўнг қуда томонлар алоҳида-алоҳида элга тўй қилиб беришади. Эртадан кечгача қозон қайнайди. Чироқчининг жизидан тортиб, яхнасигача тайёрланади. Учинчи кун никоҳ маросими ўтказилади. Орада келин-куёвлар 1 та лимузин, 15 тача безатилган машинада турнақатор бўлиб Шаҳрисабз шаҳрини айланишади. Яна уларга қўшимча машинада карнай-сурнайчилар ва видеочи ҳамроҳ.

> [3]

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ОШКОРАЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ – УСТУВОР МЕЗОН

< [1]

Мазкур қарорга мувофиқ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирликлари томонидан «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом» ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 44-сонли қарори билан тасдиқланди.

Низомда ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамнинг барча турлари учун оилалар муҳтожлигини аниқлашнинг ягона мезони жорий этилди. Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам истагидаги ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлашда жами даромадни ҳисоблаб чиқиш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни тайинлаш тартиби бирхиллаштирилди.

Низомга мувофиқ, ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғинлари томонидан ваколат берилган комиссияларнинг таркибига ҳамда ваколат муддатига ўзгартишлар киритилди, уларнинг масъулияти кучайтирилди. Эндиликда мазкур комиссиялар таркиби фуқаролар йиғини томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида истиқомат қилувчи обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовар фуқаролар орасидан сайланади. Комиссияга фуқаролар йиғинининг раиси бошчилик қилади. Комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса унинг бутун ваколати даврига сайланади. Ушбу комиссия таркиби камида 15 кишидан иборат бўлиши керак.

Комиссия аъзоси ваколатларининг амал қилиши даврида аъзоликдан чиққан тақдирда, фуқаролар йиғини комиссия аъзоларини қайтадан сайлайди.

Комиссия қарори, унинг йиғилишида тасдиқланган таркибнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, қонуний ҳисобланади.

Шу билан бирга, ажратиладиган бюджет маблағларидан аниқ тарзда ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бириктирилган бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг туман (шаҳар) органлари ходимларининг масъулияти кучайтирилди.

Низомда фуқаролар йиғини томонидан эҳтиёжманд, деб эътироф этилган оила нафақа ва моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган.

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг доимий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оила бошлиғи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзосининг ёзма аризаси асосида, бола парвариши бўйича нафақа эса, боланинг онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг аризасига кўра тайинланади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни олиш истаги бўлган ойдан олдинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай берилади. Ариза ҳамда оиланинг даромадлари миқдори ва таркибини тасдиқлайдиган зарур маълумотномалар берилган кун ариза рўйхатдан ўтказилган кун деб ҳисобланади.

Ариза берувчининг эҳтиёжмандлиги даражасини аниқлаш ва болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш (рад этиш) тўғрисида хулоса чиқариш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида махсус комиссия ташкил этилади, унинг таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси томонидан 12 ой муддатга, камида 5 кишидан иборат этиб тасдиқланади.

Махсус комиссия таркибига ўзини ўзи бошқариш органи маслаҳатчилари, котиби, ушбу орган ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими, шунингдек, зарурият бўлганда, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ва молия органлари вакиллари киритилади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза уч босқичда кўриб чиқилади.

Биринчи босқичда махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб уч кун муддатда ариза берувчи томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилган оиланинг таркиби ва оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар асосида оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдорини аниқлайди.

Оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги охирги уч ой учун ҳисоблаб чиқилган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига бўлинган ҳолда аниқланади.

Агар оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам бўлса, махсус комиссия оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини текшириш санасини белгилайди.

Иккинчи босқичда махсус комиссия ариза берилган санадан бошлаб ўн кун муддатда оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини ўрганиб чиқади, шундан кейин тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги хулосани фуқаролар йиғинига ёки комиссияга киритади.

Учинчи босқичда ариза берилган ойнинг охирги кунидан кечикмай, махсус комиссиянинг хулосаси инобатга олинган ҳолда, ариза тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғини ёки комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (комиссия) томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Агар фуқаролар йиғини иштирокчиларининг (комиссия аъзоларининг) оддий кўпчилиги қарорни ёқлаб овоз берса, у қабул қилинган ҳисобланади.

Тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилган тақдирда, ариза берувчига фуқаролар йиғинида (комиссия йиғилишида) рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда маълум қилинади, бу тўғрида баённомада қайд этилади.

Мухтасар айттанда, мазкур Низомнинг қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ваколатини амалга ошириш жараёнида оиланинг ўртача жами ойлик даромади миқдорини аниқлашда ошкоралик ва ижтимоий адолат тамойилларига амал қилган ҳолда давлат маблағлари ҳисобидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг манзилли ва мақсадли бўлишини таъминлайди ва боқимандалик иллатларига барҳам беради.

Баҳодир ЮНУСОВ,
«Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази директори.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

КАСБИЙ МАЛАКА ВА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ

тизим фаолияти такомилида муҳим аҳамият касб этади

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағларини тегишли қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида аниқ ва мақсадли сарфлаш бош бухгалтерлар зиммасидаги залворли вазифалардан, — дейди Фонднинг республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Бугунги семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад бош бухгалтерларнинг ўз ишига масъулиятини, жавобгарлик ҳиссини ҳамда касбий малакасини янада оширишдан иборат.

Ўқув-семинарда бош бухгалтерлар Фонднинг янги таҳрирдаги Устав (Низом) мазмун-моҳияти ҳамда ундаги айнан бухгалтерлар фаолиятига боғлиқ бандлар билан атрофлича таништирилди.

— Бош бухгалтерларнинг ҳуқуқий билимлари оширилиши фонд тизимида бухгалтерия билан боғлиқ турли камчиликлар юзага келишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Фонднинг республика бошқаруви бош бухгалтери Жамшид Жалилов. — «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси ҳамда Фонд бўлим ва бўлинмалари тўғрисидаги Устав(Низом)га асосан, бўлим ва бўлинмаларнинг мол-мулки алоҳида балансда ва фонд балансида ҳисобга олиниши белгилаб берилган. Шу сабабли фойдаланувчиларни аниқ, тушунарли ва тезкор бухгалтерия маълумотлари билан таъминлаш учун тизимда бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисоботлар ҳамда проводкаларни бир хил кўринишга келтириш талаб этилади. Бунинг учун биринчи сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти талаблари асосида Фонднинг республика бошқаруви томонидан 2013 йилдаги ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилди.

Бош бухгалтерлар Фонд мутасаддилари билан бирга, аҳоли мурожаатлари асосида кам таъминланган оилаларга моддий, маънавий кўмак беради. Шунингдек, турли маънавий тадбирлар ўтказишга, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа мақсадларга маблағ ажратади. Бундай хайрли, қолаверса, масъулиятли ишни амалга ошириш бухгалтерлардан ҳуқуқий билимни талаб этади.

— Маърузаларни тинглаб «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг янги Устав-(Низом)идаги айрим ўзгаришлардан хабардор бўлдик, — дейди Фонднинг Фарғона вилояти бўлими бошқаруви бош бухгалтери Абдухалил Муллажонов. — Айниқса, Фонднинг турли йўналишлардаги молиявий харажатлар тақсимотида қўйилган вазифаларнинг ижро этилишида бош бухгалтерларнинг масъуллиги ва мажбуриятлари тушунтирилди. Ўтказилаётган семинар шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, семинар давомида вилоятлардан келган бош бухгалтерлар илғор тажрибаларини ўртоқлашишди, эркин мулоқот тарзида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос жиҳатларини муҳокама этишди.

— Тадбирда нафақат ҳуқуқий билимимизни оширдик, балки ҳамкасблар билан ўзаро ахборот алмашуви жараёнини йўлга қўйишга ҳам келишиб олдик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент вилояти Пискент тумани бўлинмаси катта бухгалтери Маъмура Йўлдошева. — Машғулотнинг интерфаол усулда ўтгани янада қизиқарли бўлди. Шу боис, бухгалтерлар қизғин баҳс-мунозарага тез киришиб, фикр-мулоҳазаларини эркин ифода эта олишди. Қолаверса, Фонд тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг барча ҳуқуқий асосларини, шунингдек, Фонд мулкини ва товар-моддий бойликлари ҳисобини юритиш ҳамда инвентаризациядан ўтказиш тартибини билиб олдим.

Семинарда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига асосан, нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигининг таъминланиши, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбар шахсларини соҳага оид қабул қилинган барча қонун ҳужжатларини доимий равишда ўрганиб, ўзлаштириб бориши шарт қилингани мутахассислар томонидан семинар иштирокчиларига батафсил тушунтирилди.

Ўқув-семинар давомида Фонд мулкини асраб-авайлашда, товар-моддий бойликларни рўйхатдан ўтказишда бош бухгалтерлар назорати зарурлиги таъкидланди.

Қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтган ўқувда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмалари томонидан молиявий маблағлардан фойдаланишдаги айрим камчиликлар ҳам муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Тадбир сўнггида бош бухгалтерларга Фонд тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга доир қўлланмалар тарқатилди.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Иш ўрни кўпаймоқда

Нуротадаги «Nurota textil» ишлаб чиқариш корхонасида 50 га яқин иш ўрни яратилган.

Асосан трикотаж матолардан кийим-кечаклар тикишга мўлжалланган корхона Миллий банкнинг Навоий филиалидан 144 миллион сўм кредит олиб, Хитойнинг «Jace» компанияси технологиясини сотиб олди.

Дарҳақиқат, «Nurota textil»да биринчи галда корхона жойлашган ҳудуд — «Миришкор» маҳалласида яшовчи фуқаролар иш билан таъминланди. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш маркази ўзаро маслаҳатлашиб, асосий эътиборни кам таъминланган оила аъзолари ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларига қаратишди. Жорий йилда яна 100 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

ЭКОЛОГИК МЕДИАТУР

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ – ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА

< [1]

Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасидаги лойиҳалар корхонада муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа «Ўзкимёсаноат» ДАК ва «Мицубиси Корпорэйшен» (Япония) компаниясининг глобал исишни бартараф этиш дастури доирасида ҳамкорликда амалга оширилаётир. Натижада азот оксидини 1 419,51 минг тонна $C0_2$ эквивалентига тўғри келадиган ҳажмда қисқартиришга эришилди.

Чирчиқ шаҳрида ва унга туташ ҳудудларда экологик ҳолатни яхшилаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар Дастури бўйича корхонада ишлар давом эттирилмоқда. «Максам-Чирчиқ» ОАЖда азот кислотасини ишлаб чиқаришни модернизация ва технологик қайта жиҳозлашни амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур тадбирни бажариш ишлаб чиқаришда режадан ташқари тўхташларни ҳамда атмосферага 10 тонна ифлослантирувчи моддалар ташламасини қисқартириш имконини беради.

Корхона мутахассислари томонидан сувдан фойдаланишни камайтириш учун уни тежайдиган технологиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Чунончи, 1 тонна аммиакни ишлаб чиқариш учун кетадиган сувни қисқартириш фойдаланиладиган сувни 5 миллион метр куб ҳажмда камайтириш ҳамда очиқ сув ҳавзасига оқова сувни кам миқдорда оқизишга шароит туғдиради.

Тадбир қатнашчилари оқова сувларни тозалаш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Бу ерда корхонада қўлланиладиган саноат сувларини тозалашнинг биологик усуллари тўғрисида маълумот берилди. Ишлатилган сув тегишли ускуналар ва буфер ҳовузларига йўналтирилиб тозалангач, таркибида кимёвий моддалар рухсат этилган меъёрлардан кўп бўлмаган ҳолда Чирчиқ дарёсига оқизилади.

Корхонанинг саноат-санитария лабораторияси журналистларнинг яна бир ташриф объектига айланди. Бу ерда лаборатория ходимлари сутка давомида оқова сувлардан намуна оладилар, ташламалар манбасини аниқлайдилар ва шу орқали атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсирни назорат қилиб борадилар.

Корхона Чирчиқ шаҳридаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам бошқош. Ҳудуддаги фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш комиссиялари билан яқин ҳамкорлик ўз самарасини бераётир. Ҳар йили 1500 тупдан ортиқ дарахт ва 20 000 та гул кўчати экилади. Бурунги йил 11 гектар ерга 7500 тупдан ортиқ мевали дарахт ўтказилиб, боғ барпо этилди. Ҳудудни ободонлаштириш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида ўтган йили миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Обод турмуш йилида айни мақсадлар учун 1 миллиард 300 миллион сўм миқдорда маблағ йўналтириш кўзда тутилаётир.

Бир сўз билан айтганда, «Максам-Чирчиқ» ОАЖ жамоаси аҳоли саломатлиги ва экологик барқарорликни сақлаш, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ўз ҳиссаларини қўшаётирлар. Йирик ишлаб чиқариш объектларига уюштирилаётган бундай экологик медиатурлар эса жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ф.КОМРОН.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

ШАРОИТ ТЎКИС БЎЛСА, САМАРА МЎЛ БЎЛАДИ

< [1]

— Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланганига қарамай, бу борада сусткашликлар ҳануз давом этяпти, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Холмўмин Эргашев. — Денов, Узун, Шеробод ва Термиз туманларини истисно қилганда, бошқа туманларда фуқаролар йиғинлари биноларини ўз балансига ўтказиб бериш ишлари пайсалга солинаётгани Фонднинг туманлар бўлинмаси ходимларининг ўз вазифасига масъулият билан ёндашмаётганини кўрсатади.

Ангор туманида 36 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 10 таси компьютер билан таъминланган холос. «Зартепа», «Гиламобод», «Қорасув», «Илғор», «Баҳор» маҳаллаларидан ташқари, бошқа йиғинлар бинолари таъмирталаб ҳолатда. Хусусан, «Янги турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини кўримсиз ва тор хоналарда жойлашган. Техника воситалари, мебель жиҳозлари билан таъминланмаган. Аҳолини қабул қилиш учун алоҳида хоналар йўқ, ҳужжатлар билан ишлаш бўйича етарли шароит яратилмаган.

Шунингдек, Шароф Рашидов номидаги ҳамда «Қорабоғ» маҳалла фуқаролар йиғинига эски дўкон биносининг бир хонаси ажратилган, холос. Бу ерда йиғин фаолиятини ташкил этиш учун умуман шарт-шароит йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ҳолат «Деҳқон иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам кузатилади. Маҳаллага мактабгача таълим муассасасининг бир хонаси ажратиб берилган. Бинобарин, йиғин маслаҳатчиси ҳамда масъул котибнинг фаолият юритиши учун шароит етарли эмас. Новшаҳар қишлоғидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинига эса, жамоа хўжалигининг эски идорасидан таъмирталаб хона ажратилган. Фойдаланилаётган мебеллар ҳам эски, яроқсиз.

Бундай аҳволни тумандаги бошқа фуқаролар йиғинларида ҳам кўриш мумкин. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларини газета-журналлар, қўлланма ва тегишли адабиётлар билан таъминлаш қониқарсиз. Ангор туманидаги бирорта фуқаролар йиғини «Mahalla» газетасига обуна бўлмаганини қандай тушуниш керак? Энг ачинарлиси, ўтган йилнинг сентябрь ойида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси раиси Ўктам Хўжамқулов бошқа ишга ўтганидан бери раҳбар лавозими бўш. Йиғинлар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга умуман эътибор қаратилмаган.

Айни пайтда тумандаги 21 та фуқаролар йиғининг бинолари таъмирга ҳамда техника ва мебель жиҳозлари билан таъминлашга муҳтож. «Каттақум» маҳалла фуқаролар йиғинига эса бино ҳам ажратилмаган.

— Ҳудуддаги бўш турган бинолардан бирини йиғинимиз балансига ўтказишни сўраб бир неча бор «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Ангор тумани бўлинмасига мурожаат қилдик, — дейди маҳалла раиси Олим Содиқов. — Негадир ҳар safар бўлинмада ўтадиган йиғилишда бу масала кун тартибидан тушиб қоларди. Фаоллар билан маслаҳатлашиб, Фонднинг вилоят бўлимига ариза тайёрлаяпмиз. Шояд, тез орада замонавий маҳалла гузарига эга бўлсак.

Давлатимиз томонидан маҳалла институтига катта эътибор қаратилаётган бир пайтда соҳа ходимларидан ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Аммо баъзи туман бўлинмаларида ташкилотчилик, ташаббускорлик етишмайди. Масалан, Термиз туманидаги «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғинига Кафтархона қишлоғидаги рўйхатдан ўтмаган бир нечта хона ва залдан иборат бино олиб берилган эди. Шу вақттача бинони жорий таъмирдан чиқариш, атрофларини ободонлаштиришга қўл урилмаганини ҳеч қандай баҳона билан хаспўшлаб бўлмайди. Ҳатто ҳашар йўли билан йўл ва йўлакларга қум тўкишга ҳаракат қилинмагани лоқайдлик ва масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Бироз жон қойитиб, вазифасига меҳр билан ёндашган киши борки, ўзи меҳнат қилаётган масканни обод гўшага айлантиради. Аммо мазкур йиғин мутасаддиларининг эътиборсизлиги оқибатида бинонинг теварак-атрофи кўримсиз ҳолга келиб қолган.

— Фаолиятимиздаги бу каби камчиликлардан тегишли хулоса чиқаришимиз зарур, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Термиз тумани бўлинмаси раиси Шафоат Норчаева. — Ҳозирда бўлинмамизнинг кун тартибидаги асосий масала фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу борада барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар етарли. Қисқа вақт ичида барча фуқаролар йиғини хизмат биноларини, компьютер жамланмаларини ва мебель жиҳозлари билан тўлиқ таъминланади.

Қизириқ туманидаги Олмазор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Гулбоғ» маҳалла мутасаддилари эл корига камарбаста бўлиш учун, аввало, замонавий маҳалла гузарига эга бўлишни анчадан бери орзу қилар эди. Яқинда фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда ҳомийлар кўмагида йиғин биноси, шунингдек, ҳудуддаги маиший хизмат кўрсатиш дўкони ҳашар йўли билан барпо этилди.

— Бироқ маҳалла идораси зарур мебеллар ва техник воситалари билан таъминланмагани боис ҳозирча кўнгилдагидек фаолият юрита олмаяпмиз, — дейди маҳалла раиси Исоқ Менглиқулов. — Биз имкон қадар ҳомийларни жалб этган ҳолда йиғинимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга интиляпмиз. Базида қўлимиз калталик қилаётган масалаларда Фонднинг туман бўлинмасига мурожаат этишга мажбур бўляпмиз.

Шароит тўкис бўлса, меҳнатда унум, ишда самара бўлади. Зеро, бугун маҳаллаларга эл хизматига камарбаста бўлишдек шарафли вазифа топширилган экан, бу ишончни оқлаш астойдил ҳаракатни тақозо этади.

А.НИЁЗОВ.

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

< [1]

2013-2015 йилларда кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Маҳаллалар ичидаги кўчалар бўйларига ва махсус ташкил этиладиган «яшил» ҳудудларга ҳар йили 15 миллионта манзарали ва 29,5 миллионта мевали дарахт, шунингдек, 10 миллионта бута ҳамда гул кўчатлари экилади. Буларнинг барчаси дам олиш, аҳолини эстетик тарбиялаш ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Турар-жойларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, узоқ туманлардаги маҳаллаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни кенгайтириш, қишлоқда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳам белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради.

Ушбу муҳим ишларнинг аксарияти Давлат дастурида режалаштирилган қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳаси орқали амалга оширилади. Бу ишларга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кенг жалб этилади.

Одамлар, айниқса, болалар ва ёшларнинг интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратишга ҳам катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги клуб муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш орқали 2013-2018 йилларга мўлжалланган Маданият, санъат ва аҳолининг дам олиш марказларини ташкил этишга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолининг мазмунли дам олишини ташкил қилиш, халқ ижодиётини ривожлантириш, маданият муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида 2013-2015 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтиришга доир белгиланган комплекс тадбирлар шаҳарлар ҳамда маҳаллалар ҳудудларида санитария-экологик вазиятни янада яхшилашга қаратилган. Чиқиндиларни йиғиш бўйича фаолият кўрсатаётган пунктларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, замонавий контейнерлар билан жиҳозлаш, шунингдек, махсус техника паркини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар ҳисобидан янгилаш шулар жумласидандир. Маиший чиқиндиларни йиғиш, транспортировка ва утилизация қилиш бўйича жаҳон амалиётида синовдан ўтган услублар жорий этилади. Тошкентда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Кейинчалик бундай лойиҳалар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади, бу борада тегишли ҳудудий дастурлар қабул қилинади. Чунончи, уларнинг биноларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, компьютер ва бошқа техника воситалари, мебель билан таъминлаш, янги маҳалла гузарларини ташкил этиш ҳамда уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш, яшаш жойида маиший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзларини бериш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Бу эса қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Ёрдамга, меҳр-мурувватга муҳтожлар ҳақида ғамхўрлик қилиш халқимизга хос азалий фазилатлардан бўлиб, истиқлол йилларида улар янада ривожланмоқда. Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат тузилмаларидан ташқари жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оилалар, болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Масалан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади ва болани вояга етказиш бўйича ижтимоий нафақалар тўланади. Қаровга муҳтож ёлғиз қариялар ҳар ой тегишли моддий ёрдам олади. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга куз-қиш мавсуми арафасида уйларини таъмирлашда ёрдам кўрсатилади. Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хотира ва қадрлаш куни арафасида эса кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига совғалар топширилади, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Маҳалла мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ҳамда масъулиятини чуқур англаш руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларда муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун жорий йилда «Маҳалладан бошланур Ватан» шиори остида комплекс маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Маҳаллалар раислари иштирокида ўтказиладиган «Меҳрдан яшнар кўнгил», «Бир болага етти қўшни отаона» фототанлови, шунингдек, «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали оила», «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Намунали профилактика нозири» каби кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан жаҳон ҳамжамиятини кенг хабардор қилиш мақсадида 2013 йилда маҳалла институтининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихи ҳақида ҳужжатли фильм, халқимиз бирлиги ҳамда аҳиллигини, жамиятимизда тинчлик-тотувликни таъминлашда маҳалланинг ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий фильмни суратга олиш режалаштирилган. Ушбу мавзуга бағишланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» номли китоб, «Жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак» мавзуида илмий-оммабоп рисола чоп этилади

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, барча жабҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, бу жараёнда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг маҳалла каби муҳим институтлари ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎзА.

ДАСТУР ИЖРОСИ

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИДИР

Мамлакатимизда ҳар бир йилга алоҳида ном бериш анъанаси ва шу асосда қабул қилинадиган Давлат дастурлари кўплаб ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилишида қўл келмоқда.

Мазкур жараёнда нафақат давлат, балки нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам фаол иштирок этаётгани аҳоли турмуш фаровонлигининг янада яхшиланишига, мамлакат тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатаётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил Обод турмуш йили деб эълон қилинди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ишларнинг давомлигини таъминлаб, жамиятдаги янгиланишларда етакчи омил бўляпти. 8 бўлим ва 86 банддан иборат дастурда жорий йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилада ва умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.

Давлат дастурида тўртта қонун — янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги, ёшларни ишга жойлаштириш шарт-шароитларини янада такомиллаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида кўзда тутилган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, «Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Давлат ва жамиятни демократлаштириш муайян давр талаб этадиган мураккаб жараён. Бугунгача Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ҳужжатларининг 12 таси қабул қилинди, 30 дан ортиғи эса кенг жамоатчилик томонидан муҳокама этилмоқда.

Жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамият касб этишига доир принцип — қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида юзага келганда барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши халқ фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариши билан ҳам муҳимдир. Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш дастурда белгиланган долзарб аҳамиятга молик вазифалардан. Бу мақсадларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шунинг 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва давлатдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижрочилар ва ҳомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6

миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтларининг маблағлари ва грантлар жалб этилади.

Юртимизда ўтган йиллар мобайнида тўпланган тажрибаларнинг кўрсатишича, йилга фақат чиройли ном бериш эмас, балки бу ғояни умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун, таъсирчан ва самарали тадбирлар билан ҳаётга татбиқ этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, йилни номлашда, авваламбор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ўй-хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровонлаштиришдек эзгу мақсад-муддаолар ўрин олади. Жумладан, «Обод турмуш» ғояси ҳам азалдан фаровонлик, тўкинлик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорлардаги арзончиликни англатганидек, жорий йил давомида бажарилажак хайрли ишлар ҳам оила, маҳалла-кўй осудалиги ва кишиларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун хизмат қилади.

М.АЛИМОВ,
Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси Тошкент вилояти ҳудудий бўлими бош маслаҳатчиси.

Томорқа — даромад манбаи

Деновлик Солижон Раҳимов оила аъзолари билан ўз томорқасини муҳим даромад манбаига айлантирган.

13 сотихли томорқанинг ярмини эгаллаган замонавий иссиқхонада лимон, апельсин, мандарин етиштирилмоқда. Қолганида эса олма, хурмо, анор, узум, олча, беҳи каби ўндан ортиқ мевали дарахт парваришланаётир. Улар орасига турли кўкатлар, сабзавотлар экилган.

Томорқанинг ҳар қаричидан унумли фойдаланаётган хонадон аҳли ўтган йилда биргина иссиқхонадан ўн миллион сўмдан ортиқ соф даромад олди.

Суратда: *оила бекаси Мунаввар Раҳимова келини Шафоат билан.*

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Маҳсулоти хорижда харидоргир

Тайёр маҳсулотлар экспорти салоҳиятини ошираётган корхоналар Самарқанд вилоятида талайгина.

Чунончи, «8-Март» очиқ акциядорлик жамияти бежирим ва пишиқ-пухта буюмлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш борасида нафақат республикамизда, балки ташқи истеъмолчилар ўртасида ҳам шуҳрат қозонмоқда. Жумладан, корхона маҳсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Айни пайтда корхонада 50 турдан зиёд маҳсулот тайёрланаётир.

Муҳими, ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар жаҳон андозаларига жавоб бермоқда. Жорий йилда уч миллион доллар миқдорида маҳсулот экспортини амалга ошириш ҳамда 1 миллион 750 минг доллар миқдорида инвестиция киритиш, хориждан замонавий технологиялар келтириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бунинг натижасида икки юздан зиёд янги иш ўрни яратилади.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР!

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риелторлик ташкилоти Сизларни музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади!

Оммавий оферта савдоларига Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган қуйидаги:

— «Қибрай Зародин» агрофирмаси ҳудудидаги «QIBRAY – VAXOBOV BAXTIYOR XALILOVICH» фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони 3,2 га ер участкасида жойлашган боғзордаги, бошланғич нархи — 16 500 000,0 (ўн олти миллион беш юз минг) сўм бўлган, 2009 ва 2012 йилда экилган 300 туп гилос, 2009 йилда экилган 160 туп олхўри, 2009 йилда экилган 160 туп шафтоли, 2012 йилда экилган 500 туп терак, жами 1120 туп мевали ва мевасиз дарахтлар;

— «Байтқўрғон марвариди» агрофирмаси ҳудудидаги «BAYTQO'RG'ON — TOJIBOYEV UMID MIRZATILLAYEVICH» фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, бошланғич нархи — 8 500 000,0 (саккиз миллион беш юз минг) сўм бўлган, майдони 3,6 га ер участкасида жойлашган боғзордаги 2008 йилда экилган 500 туп гилос, 400 туп олма ва 200 туп бодом дарахтларидан иборат мевали дарахтлар ҳамда майдони 4,6 га ер участкасида жойлашган узумзордаги 1972 йилда экилган 500 туп ток, жами умумий майдони 8,2 га ер участкасида жойлашган боғзор ва узумзор;

— «Ён арик» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «MADANIYAT — KARIMOV ASAT» фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони 1,9 га ер участкасида жойлашган боғзордаги, бошланғич нархи — 3 500 000,0 (уч миллион беш юз минг) сўм бўлган, 1976 йилда экилган 52 туп ўрик (абрикос) дарахтлари қўйилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар, «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риелторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда риелторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишлари ҳамда ўзларининг акцепт аризаларини топширишлари лозим. Савдо объектларини сотиш бўйича музокаралар талабгорларнинг акцепт аризаларидаги шартлар ушбу оммавий оферта савдолари шартларига мос келган тақдирда ўтказилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида Сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, шартномада кўрсатилган тўловларни ўз вақтида тўлаш шартлари юклатилади.

Шунингдек, мазкур боғзор ва узумзорларни сотиб олган харидорлар, улар жойлашган ер майдонларига нисбатан узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тузиш учун Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлигига мурожаат қилишлари ҳамда ушбу ер майдонларидан фақат боғзор ва узумзор сифатида унумли фойдаланишлари шарт.

Музокаралар ушбу эълон чиққан кундан бошланади ва юқоридаги боғзор ва узумзорлар сотилгунга қадар, ҳар куни соат 15:00да Тошкент шаҳри Миробод тумани Амир Темур шоҳ кўчаси 16«А»-уй 4-қават 401-хонада ўтказилади.

Мурожаат учун алоқа воситалари:
телефон: 233-20-13; телефакс: 233-23-40.
Лицензия № RR-0109

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

УЧ КУНЛИК ТЎЙ УЧ СОАТДА ЎТДИ-КЕТДИ...

< [1]

Қуда томонлар келишиб, ана шу маросимларни қисқартиришди. Ҳаммаси бир кунда — уч соат ичида ўтказиладиган бўлди. Бунга келин-куёвларни кўндириш бироз қийин бўлди. Аммо улар ҳам тушунишди. Қўша-қўша машиналарга, айланишга кетадиган харажатга ётоқхона мебели олишни маслаҳат бердик. Шу тўйда анъанага айланиб қолган яна бир одатни ўзгартирдик. Қиз томон тўрт-беш кун олдин куёвникига мебель жиҳозлари олиб келиб, уйнинг бир хонасини безатиб кетар эди. Икки қуданинг олдига масалани кўндаланг қўйдик. Ахир, қурби етадигани бор, етмайдигани бор. Ёшларнинг ҳам кўнгли ўксимасин, майли мебель жиҳозлари олиш керак, аммо икки томон харажатни биргаликда келишиб кўтариши лозим, дедик. Бу ёғи ҳам осон кўчди. Ёш оила хонадони жиҳоз билан тўлди.

Энди уч кунлик тўй уч соатда ўтказилганига келсак. Юқорида айтиб ўтган катта-кичик маросимларнинг ҳаммаси қисқартирилиб, фақат никоҳ тўйи ўтказилди, холос. Меҳмонлар тўйхонага таклиф қилинди. Камчиқим, камхаражат, ортиқча дабдабаларсиз бир тўй бўлди, овозаси етти маҳаллага кетди. Ҳамма ҳар хил гап айтди. Кимдир: «Эл қатори ҳам қилмади-я», деса бошқа биров: «Қуруқ гавдани кўтариб юрган экан-да, тўйи обрўйига тўғри келмади», деди. Кимнингдир ҳафсаласи пир бўлди. Аммо кўпчилик ич-ичидан Эшназар акани қўллади. Муҳими, манаман деган шундай одам оддий, ихчамгина тўй ўтказдию, энди биз ҳам бемалол кўрпамизга қараб оёқ узатсак, деганлар кўп бўлди.

Шундан сўнг Мавлудахон Авлаева ҳам ўғлини худди шу тарзда ихчам тўй қилиб уйлантирди. Бир кунда ҳам фотиҳа, ҳам никоҳ тўй бўлди.

Ойтўла момо неварасини уйлантираман деса, қиз томон ҳамма маросимни битта қилиб ўтказишга кўнмабди. Икки қуда ўртасига совуқчилик тушиб қолди. Яхшиямки, Яраштириш комиссияси аъзолари ичида қуда томоннинг яқин қариндоши — куёвнинг амакиси бор эди. Биргалашиб, қуда бўлмиш Нодирахоннинг уйига бордик. «Бир кунлик тўй ўтадиketади. Ўртада қизингизга жабр бўлади. Эртага келин бўлиб тушадиган жойи, қайнонаси юзига солмайдими? Қудангизнинг раъйига қаранг, қолаверса, кўп харажат талаб қиладиган маросимларни қисқартиришга энди эришаётган пайтимизда сизнинг бундай талабни қўйиб ўтиришингиз яхши эмас», деб ётиғи билан тушунтирдик. Хуллас, икки қудани муросага келтиргач, тўй камхарж, камчиқим ўтказиладиган бўлди.

Уч йил шу маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаганман. Кимнинг хулқ-атвори қандай, кимга қанақа муомала қилиш керак, қайси оила нотинч — ҳаммасидан хабардорман. Саккиз йилдан бери фуқаролар йиғини раисиман. Доим эл орасида юрганим учунми, гапимни икки қилишмайди.

Яраштириш комиссияси аъзолари маҳалламизнинг обрўэътиборли, узоқ йиллар эл хизматида юрган, катта ҳаётий тажрибага эга инсонлардан таркиб топган. Оилаларимизда бирор-бир келишмовчилик ёки муаммо чиқса, уялиб қолмасин деб, аввалига комиссиямиз аъзоларидан 2-3 нафари билан кириб борамиз.

Хуллас, маҳалламизда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилса, ҳар бирининг шарт-шароити, феъл-атвори бир-бирига ўхшамайди. Уларнинг табиатидан келиб чиқиб тил топишиш ҳам маҳоратталаб юмуш. Маҳалламиз аҳлининг тинч-тотув, баҳамжиҳат яшашларида Яраштириш комиссияси аъзоларининг алоҳида хизматлари бор. Улар тўю тадбирга, маъракаларга бош-қош. Тўйларимизнинг тартибга келиб қолгани боиси ҳам шунда. Ихчам, исрофгарчиликсиз ўтаётган яхши кунларимиз, маросимларимиз қўшни маҳаллалар учун ҳам ибрат бўляпти.

Сулув БЕРДИҚУЛОВА,
Чироқчи туманидаги «Чироқчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк қошидаги Қимматбаҳо металлар агентлиги балансидаги 1993й. и/ч, д/р 01/956QAA бўлган «KABЗ-3976» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

БОЛАЛАР СПОРТИ

ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШТИРГАН МАЖМУА

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

— Баъзи тарбияси оғир болалар билан шуғулланиб, уларнинг бир қанча турнирлар ғолиби бўлишига эришдик. Улар энди нафақат жисмонан, балки маънан соғлом авлодга айланишди, — дейди мажмуа раҳбари. — Қизларимизнинг бадиий гимнастика билан шуғулланишлари учун ҳатто Фарғонадан, Самарқанддан мураббийларни жалб этдик. Мана, изланишларимиз изсиз кетмади, шогирдларимиз анчагина ютуқларга эришишмоқда.

Ҳозирги кунда марказда спортнинг 11 та тури бўйича 30 та секция фаолият юритаётир. Бадиий гимнастика, бокс, кикбоксинг, волейбол, футбол, футзал, акробатика, гандбол, шахмат, шашка, каратэ бўйича машғулотлар олиб борилади. Тўгарак мураббийлари қаторида кикбоксинг бўйича Осиё чемпиони А.Абдураҳимов, 2 карра Ўзбекистон чемпиони У.Қосимов, футбол бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ю.Госпадарчук, қизлар футболи тўгараги раҳбари, 4 карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби Д.Арсланов, бокс бўйича спорт устаси А.Қодир-Ахуновнинг борлиги «Намуна» болаларига чинакам ибрат бўлаётирки, натижада улар орасидан ҳам ёш чемпионлар етишиб чиқмоқда.

Жумладан, кикбоксинг бўйича 11 нафар жаҳон чемпиони шу марказ тарбияланувчиларидир. Футбол тўгарагидан 5 нафар бола Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига қабул қилинди. Ўтган йили «Йилнинг энг яхши футболчиси» деб топилган Санжар Турсунов ҳам «Намуна» болалар спорт мажмуасида камол топган. Спортнинг ҳар бир йўналиши бўйича бир неча бора катта ютуқлар қўлга киритилган. Буларнинг барчаси мажмуада ташкил қилинган шарт-шароитларнинг самарасидир. Айни вақтда масканда ёпиқ спорт зали, 360 ўринли очиқ футбол майдони, баскетбол, волейбол, мини-футбол майдончаси, теннис корти ва боксчилар подиуми ёшлар хизматида. Бундан ташқари, кийиниш ва ювиниш хоналари, тиббий пунктда ҳам барча шароитлар яратилган.

— Болаларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни имкон борича спорт тўгаракларига жалб этиш мақсадида ҳомийлар ва маҳалла кўмагида ҳар йили жорий таъмирлаш ишларига кўмаклашиб келамиз, — дейди «Чимбой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўлмас Турсунов. — Бадиий гимнастика машғулотлари учун мусиқий марказ, болалар учун спорт кийимлари сотиб олишда ёрдам бердик.

Спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган «Намуна» спорт мажмуаси нафақат туман мактаблари ва ёндош маҳалла болаларини, балки шаҳримизнинг бошқа туман ва маҳаллаларидаги ёшларини ҳам ўз бағрига олган. Доимий равишда «Очиқ эшиклар куни»нинг ўтказилиб келинаётганидан кўзланган мақсад аслида шу.

Юртимизда болалар спортининг равнақ топаётганини, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, уларни турли ёт иллатлардан асрашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини «Намуна» каби кўплаб спорт мажмуаларида кузатишимиз мумкин. Волейбол тўпию, бокс қўлқопини қучоқлаганча, биз билан хайрлашаётган болакайлар кўзидаги шижоатни кўриб, уларнинг эртага жисмонан ва руҳан тетик авлодга айланишига тўла ишонч ҳосил қиласиз.

Умида УЗОҚОВА.

«УМРА — 2013»

Зиёратга йўл олишди

Умра зиёрати учун юртдошларимизнинг дастлабки гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетишди.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси матбуот хизмати хабар берган. Қўмита маълумотларига кўра, 175 кишилик биринчи гуруҳ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг чартер рейси билан Жидда шаҳрига учиб кетган. Баҳорги зиёрат учун эса жами 5 минг кишининг Саудияга бориши кўзда тутилган.

Зиёратчиларни кузатиш ва кутиб олиш учун Дин ишлари қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси ва бошқа тегишли ташкилотлар ходимлари жалб этилган. «Умра — 2013» зиёрати 2 мартдан 29 апрелгача, ҳар бир гуруҳ учун 10 кун давом этади. Мадина шаҳрида ўзбекистонлик зиёратчилар 4 кун «Ажниха ат-Таййиба» меҳмонхонасида бўладилар. Бу ерда улар Муҳаммад (с.а.в) масжиди, пайғамбарнинг қабри ва бошқа тарихий жойларни зиёрат қиладилар. Шундан сўнг улар Маккага Умранинг асосий зиёратини амалга ошириш учун йўл оладилар. Маккадаги «Бишара ал-Мавадда» меҳмонхонаси Макка масжидидан 800 метр масофада жойлашган. У ерда зиёратчиларимиз 6 кун бўлишади.

Юртдошларимизга хизмат кўрсатиш учун 6 кишилик ишчи гуруҳи, 24 нафар шифокор ва 2 нафар ошпаз ажратилган. Меҳмонхоналарда барча қулайлик яратилган: чой хизмати, тиббий пункт туну кун ишлаб турибди. Хоналарга Ўзбекистон телеканаллари уланган телевизорлар ўрнатилган.

Хитойда кучли зилзила

Хитойнинг Жануби-ғарбида жойлашган Дали Байск автоном округининг Эрюань уездида кучли зилзила рўй берди.

5,5 балли зилзиладан кейин 34 марта қайта силкиниш кузатилган. «Итар-ТАСС»нинг хабар беришича, табиий офатдан 30 киши жароҳатланган, 12 минг киши бошқа жойга кўчирилган. 700 та иншоот қулаб, 2,5 мингдан ортиқ бинога зарар етган. Электр ва сув таъминоти тизими бутунлай ишдан чиққан, транспорт алоқаси узилиб қолган.

Чақалоқ ОИВдан халос бўлди

АҚШда орттирилган иммун танқислиги вируси билан туғилган чақалоқнинг тўла соғайиши кузатилди. Бу ҳақда Жон Хопкинс университети олимлари хабар беришди.

2010 йили Миссисипи штатида ОИВ инфекцияси билан туғилган қизалоққа антиретровирус терапияси асосида тиббий муолажалар қилинди ва уч-тўртта кучли таъсир этувчи дори воситалари юборилди. Мазкур муолажалар дастлабки 30 соат мобайнида қилинган. Одатда, ушбу вирус билан туғилган чақалоқлар 4-6-ҳафтада даволанишни бошлайди. Ана шундай агрессив терапиядан сўнг, қизалоқ 18 ой давомида ОИВга қарши стандарт муолажаларни қабул қилди. 10 ойлик танаффусдан кейин шифокорлар қизчани текширишганида унинг қонида ОИВнинг изи ҳам қолмагани маълум бўлди.

Орадан 10 ой ўтиб, чақалоқ яна бир бор текширувдан ўтказилди. Бироқ бу сафар унда ОИВ инфекцияси аниқланмаган.

Китлар... соҳилда

Чилида ҳарбий денгизчилар соҳилларга чиқиб қолган элликка яқин китни қутқариш билан машғул.

Улар китларни очиқ денгизга қўйиб юборяптилар. Китларнинг нима сабабдан бундай ҳолатга тушгани ҳали номаълум. Кит-гриндларнинг оғирлиги 1 тоннадан 4 тоннагача, узунлиги эса 6 метргача етади. Денгизчилар китларни қутқариш учун куч-ғайратларини аямасликларини айтишмоқда.

Интернет маълумотлари асосида Н.Юнусова тайёрлади.

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

«ФАРОВОН ТУРМУШ» (миллий валютада)

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларида)

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «АСАКА» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60,

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз: — солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! — маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади! — эгалик ва тасарруф ҳуқуқи

Хизматлар лицензияланган.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ф.Эгамова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

24580 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6578 Топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 22.00